



Чор Россияси Туркистон ўлкасини эгаллаган кунларидан бошлаб ўзининг иктисодий мустанлакачилик ниятларини амалга оширишга киришди.

Бунинг учун, биринчи навбатда, Россия губерняларидаги саноат корхоналарини мунтазам равишда хом-ашё билан таъминлаб турувчи темир йўллар курилди. Шу махсадда 1881-1886 йилларда Михайловский кўрфазидан Чоржўйга Каспийорти темир йўли курилди, 1888 йилда бу йўл узайтирилиб, Самаркандга етказилди. 1906 йилда Тошкент — Оренбург темир йўли ишга туширилди. 1912 йилда Фаргона водий-си хам Россия билан темир йўл оркали боғланди.

Мустанлака Туркистонда темир йўлларни куриб битирилиши ўлкани Россия саноатининг гилдирагига янада махкамрок боғлади. Ўлканинг хом-ашё етказиб берувчи манба сифатидаги ўрни мустанламлиганч, бу ерга турли фирма ва биржалар кириб кела бошлади ва улар Туркистоннинг иктисодий хаётида жадаллик билан ўз таъсирини кучайтириб борди. Улар ўлкадан хом-ашё олиб кетиш, Россиядан саноат ва кишлок хўжалик махсулотлари олиб келиб сотиш билан чекланмай сугориладиган ерларни сотиб олиб пахта экишни кенгайттирдилар. Пахтачиликнинг ривожланиши бундай фирма-биржалар, махаллий судхўр ва савдогарлар учун катта имкониятлар яратиб берди. Улар асосан хом-ашё етиштириш йўлига ўтиб олган дехконларга кела-си йил оладиган хосили хисобидан пул карз берар эдилар. Дехконларнинг моддий ахволи огирлашган сари уларнинг хосилдан тушган даромади карзини тўлашга, ерга ишлов беришга, оиласига озик-овкат махсулотларини сотиб олишга хам етмас, ик-кинчи томондан катта ер майдонлари махаллий бойлар ва судхўрлар кўлига ўтиб кета бошлади. Бу холат ерсиз дехконлар, мардикорлар ва арзон ишчи кучини янада кўпайишига сабаб бўлди.

Россия саноатида пахта толасига бўлган эhtiёжнинг ортиб бориши бу ерларда етиштириладиган пахтанинг сифатига эhtiборни кучайтирди. Шу махсадда ўлка ер-ларида пахтанинг Америка навларини етиштиришни йўлга кўйиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борувчи станциялар ташкил этилди. Хатто бу навларни ўрга-ниш учун Америкага махсус мутахассислар хам юборилади. Мустанлака йилларида бундай навлар ўлка пахтачилигида етти баробар кўпайди.

Россия учун Туркистондан кўпроқ фойда кўриш мақсадида ўлканинг ўзида хом-ашёга дастлабки ишлов берувчи корхоналар ташкил этишга киришилди. Бундай кор-хоналар ўлкада барпо бўлаётган саноатнинг асосий соҳаси эди. 1900 йилгача Туркистонда 170 дан ортиқ саноат корхоналари ишга туширилди. Буларнинг 80% ни пахта-га қайта ишлов берувчи корхоналар ташкил этди. Ўлканинг ўзида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган саноатнинг ривожланиши ва Россиядан кириб келаётган тайёр саноат маҳсулотлари асрлар давомида хунармандчилик билан шугулланиб келаётган аҳолини хонавайрон этди.

Ракобат натижасида хунармандчиликнинг кўплаб соҳалари инкирозга юз тутди, хонавайрон бўлган хунармандлар ҳам ерсиз дехконлар сингари ишсизлар сафини тўлдириб борди.

Ўлканинг кўплаб унумдор ерларига пахта экилиши бошқли экинлар экиладиган майдонларнинг қисқаришига олиб келди. Минг йиллар давомида ўзини озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб келган маҳаллий аҳоли аста-секин озик-овқат маса-ласида Россияга қарам бўлиб қолди. ўалла маҳсулотлари ўлкага Россиядан келтири-либ, унга чор маъмурларининг ўзи нарх-навони белгилади. Саноатда банд бўлган маҳаллий ишчиларнинг турмуш шароити яна ҳам оғир эди. Чунки уларнинг иш ҳақи европалик ишчилардан 2-2,5 баробар кам бўлса, олинадиган солиқлар ва жарималар шунча кўп эди.

Мустамлакачилик сиёсатининг асосий йўналишларидан бири Туркистон ўлкасини руслаштиришдан иборат бўлди. Подшо ҳукумати кўп минглаб ерсиз дехконларни, ишсизларни мустамлака Туркистонга кўчириб келтириши бу мақсадга эришишда катта ўрин тутди.

Чоризм Туркистонни рус инкилобчилари ва социал-демократларини сургун қиладиган маконга айлантирди. Марказий Россия, Кавказортдан келган Россия монархи-ясининг минглаб ракобатчилари Туркистоннинг йирик шаҳарларига жойлашиб олди-лар.

Россиядан кўчириб келтирилганларга катта имтиёзлар берилди, уларнинг жойла-шиши, дехкончилик қилиши учун кўп микдорда маблағлар ажратилди, ўзини ўнглаб олгунга қадар озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб турилди.

Янги ташкил топган рус қишлоқлари аҳолиси маҳаллий аҳолига нисбатан анча кўпроқ экин майдонларига эга бўлди, маълум муддатгача солиқдан ҳам озод қилин-ди.

Натижада, кўчириб келтирилганлар қиска вақтда ишлаб чиқаришнинг техникавий заминини ҳам яхшилаб олдилар. Бундай имтиёзларни чор маъмурлари, «Россиядан кўчиб келаётганлар бўш ерларни ўзлаштиришга, боғлар яратишга ёрдам беради», деб қўрсатди. Аслини олганда қашшоқлашиб кетган юз минглаб аҳолининг Ўрта Осиёга кўчириб келтирилиши Россияда тобора чуқурлашиб бораётган ички зиддият-ларни ҳал этишнинг бир йўли бўлди.

Мустамлака ўлкада кўп сонли рус аҳолисининг мавжудлиги Россия учун ҳарбий ва сиёсий таянч бўлди. Улар айна бир вақтда маҳаллий халқларнинг мустамлакачилик тузумига қарши бўлган ҳаракатларини бўғиб туриш учун таянч вазифани бажарди-лар. Чоризмнинг Туркистондаги маданий-маърифий ишлари мустамлакачилик сиёса-тига тўла бўйсундирилди. Бу борадаги сиёсат маҳаллий аҳолининг маънавий ҳаётига аралашмаслик деб қўрсатилган бўлса-да, аслида аҳолини руслаштириш, миллий ма-даниятини чеклаш, қамситишдан иборат бўлди. Шу мақсадда дастлабки тадбирлар Европа турмуш тарзини ифода этувчи мактабларни очишдан бошланди. Ўлкада жо-рий этилган рус-тузем мактаблари ҳақидаги лойиҳага биноан 1884 йили Тошкентда

дастлабки рус-тузем мактаби очилди.

Подшо маъмурлари маҳаллий мактаблардаги таълим-тарбия ишларини такомил-лаштиришни маҳаллий аҳолини руслаштириш борасидаги катта тўсик деб қарадилар. Шу сабабли эски мактабларда ўқиш-ўқитиш ишларини яхшилаш учун бирор бир тадбир қўрилмади. Мактабларнинг аҳоли Россия боскинидан аввал қандай бўлган бўлса, шундайлигича қолиб қетаверди.

Россия Туркистонни истило қилгач, рус маъмурлари ўз мавқеларини мустаҳкамлаш учун маҳаллий халқнинг айрим анъаналаридан, урф-одатларидан фойдаланишга уриндилар ва шу мақсадда диний ақидалардан, маҳаллий халқ ўртасида обрў-эътибор қозонган шахслардан, рухонийлардан фойдаландилар. Маҳаллий халқларнинг тарихий қадриятларига, диний эътиқодларига таъсир ўтказиш, уларни маънавий қарамликда ушлаш учун Россия маъмурияти, тажрибали мустамлакачи давлатларнинг ўз мустамлакаларида олиб борган миссионерлик сиёсатларидан фойдаландилар. Остроумов ва бошқа миссионерларнинг ўлкадаги фаолияти бунинг ёрқин мисолидир. Маҳаллий аҳолининг яшаш тарзи, сихат-саломатлигини яхшилаш борасида ҳам би-рон-бир тадбир амалга оширилмади. Губернияларда, уездларда бир ёки икки врач бўлиб, улар ҳам асосан, солдатлар ва рус аҳолисига ёрдам қўрсатиш билан банд бўлганлар.

Масалан, 250 минг қорақалпоқ аҳолиси орасида атиги битта шифокор бор эди. Врачлар етишмаслигини, соғлиқни сақлаш ишларининг бундай аҳолини чор маъмур-лари «маҳаллий аҳоли қучли, соғлом ва қасал бўлмайди. Улар яшайдилар ва вақти келганда ўладилар. Тарқалган эпидемияларга қанчалик пул ажратилмасин, барибир етмайди», — деб қоризмнинг шовинистик сиёсатини яққол намойиш этдилар.

Ўлкада мустамлакачиликни қучайтиришга қаратилган ижтимоий, иктисодий, сиёсий жараёнлар аста-секин маҳаллий аҳолининг моддий ва маънавий қашшоқла-нишига, ижтимоий-иктисодий зиддиятларнинг қескинланишига олиб келиб, қоризм мустамлакачилигига қарши қаратилган миллий озодлик ҳаракатларининг қучайишига сабаб бўлди.